



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: info@xs.uz

2007 йил 31 март, № 63 (4216)

Шанба

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

30 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди



Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқишдан бошлади. Қонун этил спиритини, алкогольли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўли билан олиб киришга, қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга, хавфсизлик таъминоти бўлмаган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташишга, ўтказишга, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишга қарши курашни кучайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонунда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф соладиган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилганда, бундай қонунбузарлик-

ларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Қонунда чигитдан олинган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмоқда. Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий чоралар маҳсулотларни, агар уларни истеъмол қилиш фуқароларимизнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган бўлса, қонунга хилоф равишда олиб киришнинг, фэйриқонуний тарзда ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ва пайини қирқиб унчада самаралироқ шароитлар яратилишига олиб келади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш кўрсатиб ўтилди. Қонунда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига реал хавф соладиган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари назарда тутилганда, бундай қонунбузарлик-

(Давоми 2-бетда).



## Улуғ мақсадга элтувчи қонунлар

Кеча Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади. Унда мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги учун алоҳида аҳамият касб этадиган қатор қонунлар муҳокама этилиб, маъқулланди. Ушбу мажлисда иштирок этган мухбиримиз Сенат аъзоларининг таассуротлари билан қизиқди.

**Эшпўлат ТҮЙЧИБАЕВ, Жомбой туманидаги «Тўйчи бобо» фермер хўжалиги раҳбари, Сенат аъзоси.**

— Ушбу ялпи мажлисда маъқулланган «Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига,

102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг иқтисодий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ўта муҳимдир. Албатта, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистонимизнинг бундан тараққиёти, юртимизнинг жаҳон майдонидagi нуфузини ошириш учун нақадар аҳамиятли эканини тушуниб ўтиришга ҳоҳат бўлмаса керак. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу қонунлар олдиндаги қўйилган улуғ мақсадларга эришишимизда мустақам пойдевор бўлади.

**Марҳабат БОЛТАБАЕВА, Чортоқ тиббиёт коллежи директори, Сенат аъзоси.**

— Сизга ҳам сенатор, ҳам оддий аёл сифатида бир гапни айтиш. Сўнги йилларда Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ривожини, аҳолининг турмушини яхшилаш борасида амалга оширилётган улкан ишларнинг самараси ақвол кўзга ташланмоқда. Мухими, одамларнинг кайфияти янада кўтарилди, эртанги кунга бўлган ишончи ортиб бораётди. Айниқса, давлатимиз-

нинг аёлларга, ёшларга бўлган эътибори, бу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбига гурур туйғусини уйғотмоқда.

**Бахтиёр ҲАКИМОВ, Со- бир Раҳимов тумани ҳокими, Сенат аъзоси.**

— Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ҳимоя қилиш Президентимизнинг доимий диққат марказида. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг имкониятлар яратилиши тўғрисида ушбу соҳада катта ижобий ўзгаришлар рўй берапти. Масалан, туманимизда тадбиркорлар ишига ноқонуний арала-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:  
Тулкунинг Қасимовна **Мардиева**  
Воҳид Маматалиевич **Назаров**  
Дильбар Жолдасбаева **Сунонова**  
Нормад Ахмадулович **Тожибоев**  
Зуфар Султонович **Усмонов**  
Хамиджон Каландарович **Шамшиев**.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

**И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 30 март

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом таълимнинг (ISESCO) Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан кенг шарҳлаш давом этмоқда. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликларида араб тилида нашр этилувчи марказий газета — «Ал-Баён» саҳифаларида яқинда мазкур воқеага бағишланган мақола эълон қилинди.

## МИНТАҚАНИНГ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА СИЁСИЙ МАРКАЗИ

Мамлакатимиз пойтахтининг нуфузи ва аҳамияти ISESCO томонидан юксак эътироф этилгани муносабати билан Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидан кўчирмалар келтириш баробарида нашр Ўзбекистон бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга бўлган Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири эканига уруғ беради. «Араб ва ислом тарихида бугунги Ўзбекистон худуди Мовароуннаҳр номи билан машҳурдир. — деб ёзди «Ал-Баён». — Уттан асрнинг 90-йиллари бошларида мустақилликни қўлга киритган мамлакат ўз тарихи, миллий қадриятлари ва аъёнларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон минтақанинг иқтисодий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида доимо марказий ўрин эгаллаб келган. Бу заминда турли маданиятлар, цивилизациялар ва динлар уйғуллашиб кетган бўлиб, улар орасида ислом дини, албатта, алоҳида аҳамиятга эга».

«2,5 миллион нуфусга эга бу шаҳар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёдаги энг йирик маданий ва та-

рихий марказдир, — дейди ISESCOнинг Тошкентни ислом маданияти пойтахти, деган юксак унвон билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини шарҳлар экан Польшанинг нуфузли «Газета Виборча» нашри. — Ўзбекистон пойтахтидаги Тошкент Ислам университети МДХ худудида бу соҳага ихтисослашган янгона олий ўқув юрти бўлиб, у дин, сиёсат, миллатларро ва динларро муносабатларнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинган турли халқро ўрашулар, даяра суҳбатлари ва конференцияларга кўп бора мезбонлик қилган.

ISESCO Тошкент номзодини танлашда мамлакат раҳбарияти томонидан ўзбек халқи ва ислом цивилизациясининг маданий ҳамда маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш борасида юрилтаётган сиёсатни эътиборга олган. ISESCO ўз қарорини, шунингдек, Марказий Осиёдаги энг кўча шаҳарларидан бири бўлган Тошкентнинг бой тарихи ва маданияти жаҳон тамаддунини тараққийтида алоҳида ўрин эгаллагани билан ҳам изоҳламоқда».

«Жаҳон» АА.



## ДУНЁ НИГОҲИ

Иқтисодий соҳасидаги кўрсаткичларга назар ташласак, сўнги беш-олти йил ичда Ўзбекистон салмоқли ютуқларини кўришимиз мумкин. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмининг орттишида, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўсишда намоён бўлмоқда. Шу ўринда сўнги йилларда Ўзбекистон инфляция даражасининг пасайтиришга эришгани ва бу, давлат бюджетига ўзининг ижобий таъсирини ўтказганига эътибор қаратиш даркор. Утган йили инфляция 6,8 фоизгача пасайди. Бундай ижобий кўрсаткичлар мамлакат иқтисодий тарқоқиб ривожланиётганидан далолат беради.

**Х.ВЕДИГ,**  
Берлин Эркин  
университети  
профессори.

## КЕЛАЖАККА НАЗАР

ташламоқчи бўлсангиз ушбу  
кўرғазмага келинг

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Бадий академиясида «Таълим ва мутахассислик» номи халқаро кўрғазма ташкил этилган эди. Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётганига қарамай, ушбу тадбир мамлакатимиз ёшларига катта қизиқиш уйғотиб улгурди.

Айниқса, бу йилги кўрғазма жуда гавжум бўлди. Икки кун давомида бу ердан йигит-қизлар, ота-оналар ва мактаблар мутасаддиларининг қадими узилмади. Шу боис, анжуман ташкилотчилиги кўрғазма намойишини

яна икки кунга узайтиришга қарор қилишди. — Тадбир аввалида Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда таширф жадвали тузилган эди, — дейди Урта махсус касб-хўна таралими маркази Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Абдуғаффор Қирғизбоев. — Унга мувофиқ пойтахтимиздаги ҳар бир мактаб ўқувчилари навбатма-навбат кўрғазмага таширф буоради. Барча ўйил-қизларимизни узлуқсиз таълимга жалб этиш, касб-хўнага йўналти-



риш мақсадида бу каби тадбирлар келгусида республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Гап шундаки, келгуси ўқув йилидан бошлаб пойтахтимиз мактаблари тўлиқ тўққиз йиллик таълимга ўтади. Яъни, Президентимизнинг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хўна коллежларида таълим олишларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан 9-синф битирувчиларини урта махсус таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш имкониятига эга бўлган худудларда 10-синфлар тугатилади. Ушбу тадбир ҳам, қарорда таъкидланганидек, ёшларни таълимнинг навбатдаги босқичларига кенроқ жалб этишни мақсад қилган.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча куйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Илм-фан тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



## ИЛМ-ФАННИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё олиб борган анжуманда мамлакатимизда бугунги кунда фан соҳасига алоҳида эътибор қартилиши боис, унинг жадал ривожланиётгани таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазкур соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, тегшлик вазирилик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этган ушбу семинарда «Фан тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепцияси муҳокама этилди.

Анжуман иштирокчилари мазкур концепцияни янада такомиллаштириш, бунда илмий фаолият билан шуғулланидиган турли идоралар, муассасалар манфаатларини назарда тутиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**С.МУСУРМОНОВ.**

Ким ШИН ИЛ:

## ИСТИҚБОЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Ил раҳбарлигидаги делегация 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди. Мулоқот чоғида келгусида Ўзбекистон-Корея касбга тайёрлаш марказини ташкил этиш, икки мамлакат ўртасида ўқитувчилар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш, янги педагогик технологиялар ва замонавий ахборот технологияларини ўқитиш жараёнига жорий этишга, мультимедиа таълим маркази тузишга оид лойиҳалар, амалий чора-тадбирлар атрофида муҳокама этилди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат ривожини, жаҳон ҳамжамиятидаги оёруси, истиқболли таълимга қаратилаётган эътибор билан узвий боғлиқдир. Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ёш авлодга пухта ва мукамал билим бериш, замон талабларига жавоб бериш юқори мақолали мутахассислар тайёрлашда эзу мақсадаги хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан учрашиш шарафига

муяссар бўлганимдан бешда бахтиёрман, — деди Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Ил. — Сўхбат асосида мамлакатимиз раҳбарининг нафақат кучли давлат арбоби, балки таълим-тарбия соҳасининг чуқур билимдони, ёшларнинг меҳрибон раҳнамоси эканига амин бўлдим. Ўзбекистонда ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга оқилона, истиқболли кўзлаган ҳолда ва энг асосийси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашилган эътиборга молик, таҳсинга сазовордир.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, бой тарихимизга ҳурмат каби эзгу ва олижаноб ғояларни чуқур сингдиришга, уларни ҳар томон-

(Давоми 2-бетда).

2007  
йил —  
Ижтимоий  
ҳимоя йили

Бугун замон талаблари  
даражасидаги болалар  
спортининг чекка қишлоқларида  
ҳам қад ростиляпти.

## Касби ёшларига совға

Қуни кеча ана шундай спорт иншоотларидан бири Касби туманининг Ҳужа-Касби қишлоғида фойдаланишга топширилди.

«ТИП-III» лойиҳаси асосида қурилган мажмуада спортнинг энгил атлетика, футбол, волейбол, бокс, бадмин ва спорт гимнастикаси, сузич, теннис каби унда ортак турлари билан шуғулланиш мумкин.

Халқ таълими вазирилик хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт иншоотига зарур жиҳозлар совға қилди.

Ушбу спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Шу кун бу ерда туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида 31 нафар кам таъминланган оила-ларнинг фарзандларига хатна туйи ўтказиб берилди. Шунингдек, 2000 нафар кам таъминланган оилаларга пул қўйилган омонат дафтарчаси берилди, учта мактаб жамоасига компьютер топширилди.

Эядулла ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Юртимизда аграр соҳани ривожлантириш учун кенг қўлланма ислохотлар олиб боришмоқда. Бу ислохотлар Сирдарё вилоятининг Бобёут туманида ҳам ўз самарасини бера бошлади. Ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилган, ер ўзининг муносиб эгасини топти.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг бир қатор қарор ва фармонларидан сўнг деҳқонларимизда ерга эгаллик тўғрисида шаклланди. Эслаб кўрсангиз, Яқин-яқиндаги кўлга қарзга ботган хўжаликлар, ширкатлар йўқ эди? Ернинг муносиб эгаси борми?

Ўтган 2006 хўжалик йилида Бобёут тумани деҳқонлари давлатга 45 минг тонна сифатли пахта, 25 минг тонна сара дон, 65 тонна пилла топширдилар.

Пилладан юқори ҳосил олиш мақсадида қўшимча тўл плантациялари ташкил этилмоқда. Паррандчиликка ихтисослаштирилган 3 та комплекс ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Яна қўшимча иссиқхоналар қуриш каби бунёдкорлик ишлари режага киритилган. Бир ва икки гектарлик кичик боғлар яратишдек хайрли ишларга бел боғланган. Шўрланган экин майдонларида шакар жүжори экиб, туманда шакар ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича Америка компанияси билан шартнома имзоланган. Туманда ернинг мелоратив ҳолатини яхшилаш, арготехник тадбирлар ўтказиш каби ишлар ҳам ўз вақтида олиб борилапти.

«Ғайратбек»нинг одимлари

Шодмонқул Ашуралиевни Сирдарёда кўпчилик яхши билади. Сабаби, у зоқ йиллар хўжаликда ҳосилот, раис бўлган. Ўзи ернинг тилини биладиган уста деҳқонлардан. Истиқлол тўғрисида фермер бўлди. Унинг ҳозир 45 гектар ери бор. Ўтган йили ўша ернинг 10 гектарига «Крошк» нави бугдой уруғи қадади. 35 гектар ерга эса «Ан-Бобёут» нави чигит экти. Ўз вақтида маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ернинг тўйинтирди. Уста деҳқоннинг таъбирича: «Меҳнат тери ерга томса, беҳуда кетмасмиш».

«Она» ер меҳнат қилган одамдай, — дейди Шодмонқул.

«Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракати вилоят бўлими кенгаши март ойида вилоят халқ таълими бошқармаси, Жиззах педагогика ҳамда политехника институтлари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида «Бизнинг бирлигимиз — «Камолот»да! шiori остида оммавий тадбирлар ўтказди.

Тупроғида олтин гуллайди...

Тинимсиз меҳнат ўз мевасини берди. Фермер хўжалиқ деҳқонлари галладан гектаридан 40-45 центнердан хирмон кўтардилар. Давлат хирмонига 40 тоннадан ортиқ сара бугдой дони топширилди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектарига 40 центнердан ҳам ошиб кетди. 140 тонна пахта ҳамашёсининг 90 фоизи биринчи сарта сотилди. Олинган соф даромад нақ 19 миллион сўми ташкил этди.

Шодмонқул Ашуралиевнинг яп-яңги «Нексия» автомашинаси, «МТЗ-80» чолик трактори, «Енисей» маркали комбайни бор. Аслида, муҳими булар ҳам эмас. Муҳими, у — мулкдор! Ўз ернинг, мулкнинг соҳиби, хўжайини.

Яна бир нарсани эътироф этиш керак. АТ «Пахтабанк»нинг Бобёут тумани филиали ҳодимлари сай-ҳаракатлари боис, терим мавсумида «Ғайратбек» фермер хўжалигига хашарга келган теримчиларга ҳар килограмм терган пахталари учун 50-60 сўмдан узулқониз меҳнат ҳақи бериб борилади. Меҳнат ҳақининг ўз вақтида тўланиши, терим суръатига суръат қўшгани ҳам бор гап. Муқад-

дас ҳадисларда хайр ва савоҳат амаллари тўғрисида яхши ҳикमतлар зикр этилади. Қадимий Шодмонқул Ашуралиев ҳам савоҳат-пеша одамлардан. Деҳқончиликдан ортирган даромадининг бир қисмини Болғали қишлоғидаги газ қурурларини янгилашга, қабристон йўлини асфальт қилишга, қишлоғидаги кам таъминланган хонадонларга илindi.

Она ерга унинг сахарлаб ўз айтар сўзлари бор. Дала-сини уни соғинади, у эса дала-сини. Бу хар тонги одат. Бу хар кун такрор бўлғувчи ҳолат. Яшашдан маъно ва мақсад инсон учун шу эмасми, ахир?..

Ҳамкорлик самараси

Президентимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга оид қароридан сўнг, Бобёут туманида ҳам хайрли ишлар бошлаб юборилди. АТ «Пахтабанк»нинг Бобёут тумани филиали имтиёзли кредитлар ажратди.

Тумандаги «Одил Алимов» фермер хўжалиги ҳам чорвачиликка, ҳам деҳқончиликка ихтисослашган. Фермер

акс эттирувчи кўргазмалар, тасвирий санъат намуналари, хўнарамдчилик маҳсулотлари тадбирда иштирок этган 500 нафардан зиёд ёшлар қалбига ўзгача қувонч бағишлади.

«Бизнинг бирлигимиз — «Камолот»да

Тадбирнинг Юнус Ражабий номли музыкали драма театрида ўтказилган яқиний босқичига вилоятда фаолият кўрсатаётган рус, корейс, татар, қирғиз миллий маданий марказлари фаоллари ҳам тақлиф этилди. Бу ерда ташкил этилган турли миллатларнинг тарихи, маданияти, бугунги ҳаётини

Интилиш

ларни ҳам, давлатни ҳам боқди.

Фозил ақалининг юрти — Зоминда чорва учун имкониётлар етарли. Унинг ота-болалари чорвадор ўтишган. Авлодлари яшаб ўтган кенгликлар унинг юрагига ўт солди чоғи, у ҳам чорвага ихлос қўйди. Фарзандлари билан кенгашиб, АТ «Пахтабанк»нинг Бобёут тумани филиалидан имтиёзли кредит олди. Бу пулга Қозғистон Республикасининг Қўқатов вилоятдан 35 бош «Ролиштафрш» зотли Америка қора молларини Бобёутга, ўз фермасига олиб келди. Қорамолларни харид қилишда Сирдарё вилояти ҳокимлиги наслчилик хизмати бошқармаси зарур ёрдамларини аямади.

«Ховосдон» ҳиссадорлик жамияти ва «Гулистон экстрат ё» корхоналари билан 40 тоннадан ортиқ омикта ем, шелука олиш учун шартнома имзоланди, — дейди Фозил Алимов. — Мақсадимиз, халқимизни сўт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш. Ички бозорни арзон ва сифатли истеъмол маҳсулотлари билан тўлдирди.

Юртимизда Фозил Алимов каби чорвадорлар кўпайса, чорвачилик хар бир туманда ривожланади, шубҳасиз, юртимиз янада обод, янада фаровон бўлади. Бунинг учун имкониётлар етарли. Давр изланганики, ишлаганники, ҳолос.

Бобёут далаларига қўлланма либосини ёйди. Баҳор насллари бобдеҳқон даласи узра эса бошлади...

Шодмонқул ҳамда Фозил ақалининг қалбида Наврўз таърифи янги-янги орзу ва режаларга қанот бўлаверди... Истиқлол берган қўллар ўнбоғ, ерга эгаллик, ватанга эгаллик тўғрисида деҳқонларга ўзгача руҳ, ўзгача қайфият ҳайа этди... Бобёут далаларида эртанги кунга умий уйғонмоқда. Демак, эртанги кунимиз бугунимиздан тўқсанроқ бўлади. Эртанги кунда деҳқон бўйиса, юртимиз бундан-да обод бўлади. Дастурхонимиз тўқинлиги деҳқон яратган азиз неъматлар сероблигини кў, ахир? Тупроғида олтин гуллаган юрт... Бу — она Ўзбекистон! Бу — меннинг ватаним, бу — сизнинг ватанингиз...

Норқул МАЪМУР.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Олий Рада тарқатиладими?



Украина Олий Радаси вице-спикери Адам Мартинюк мамлакат парламентининг навбатдан ташқари йиғилишида Олий Радани мuddатидан илгари тарқатиб юбориш ва сайлов белгилаш тўғрисидаги президент фармони лойиҳасини ўқиб эшиттирди.

Хўжатда шу йилнинг 27 май кунини навбатдан ташқари сайлов ўтказиш белгиланган. Мамлакат президентининг фикрича, Раданинг бошқарув коалициясини ташкил этишда конституциянинг 83-моддаси бузилган.

Президент Виктор Ющенко бу ҳақда гапирар экан, ҳақиқатан ҳам, бошқарув коалицияси конституцияга мос қилиб қайта тўзилмаса, парламентни тарқатиш тўғрисида фармонга имзо чекишга тайёр эканлигини билдирди. У, шунингдек, 2 апрель кунини парламент фракциялари раҳбарлари билан учрашмоқчи.

Мамлакат бош вазири Виктор Янукович давлат раҳбарининг бу қарорини конституцияга зид ҳаракат, деб баҳолади.

Беларуслар Сомалини тарқ этмоқда

Беларусь ҳукумати Сомалидан ўз фуқароларини олиб чиқиб кетишга қарор қилди. Бунга сабаб 23 март кунини Беларусь фуқаро авиациясига қарашли самолёт парвоз қилаётганда, мамлакат осмонидан уриб туширилган ва 11 нафар экипаж аъзолари ҳамда техниклар ҳалок бўлган. Бундан ташқари, 9 март кунини ҳам беларуслик учувчилар бошқаритган Ил-76 самолёти Могадишо аэропортидан самога кўтарилганда ўққа тутилган. Ушундан бахтли тасодиф тўғрисида учувчилар омон қолган.

Беларуснинг «Трансавиа-экспорт» компанияси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мандатига қўра, Сомалида фаолият кўрсатаётган эди.

Энг катта қуёш электростанцияси

Португалиянинг Серпа шаҳрида дунёдаги энг катта қуёш электростанцияси ишга туширилди. Унинг қуввати 11 мегаватт ташкил этади. Reuters хабарида айтилишича, мазкур электростанция 8 минг уйни электр энергияси билан таъминлай олади.

60 гектар ерга ёйилган 52 минг дон кубёш батареялардан иборат бу қурилма нурни электр токига айлантириб беради. Германияда ҳудуди бўйича бундан катта қуёш электростанцияси мавжуд, лекин қуёш нури нисбатан кам бўлгани учун у кам ток ишлаб чиқаради.

Денгиздаги ҳалокат

Кеча тунда Гвинея давлати қирғоқларида ушбу мамлакатнинг катта балиқ овловчи кемаси ҳалокатга учради ва қисқа фурсатда қўқиб кетди. Кема бортида 120 нафар йўловчи бор эди. Уларнинг 36 нафари қутқарилди. 57 нафар кишининг мурдаси сувдан чиқариб олинди. Қолган 27 кишининг тақдири ҳозирча номаълум. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС мухбири хабар тарқатди.

Газ уағуржа истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига! «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни тақлиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган. Ҳақиқат бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчачилари. Ҳлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатиға 0,16 м³ дан 25 м³ гача); - «АГАТ» G-25 (соатиға 0,25 м³ дан 40 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатиға 0,04 м³ дан 6 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатиға 0,06 м³ дан 10 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатиға 0,1 м³ дан 16 м³ гача). Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Магистрал газ қурурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чоралари тўғрисида «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудуди бўйлаб шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноят корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистрал газ қурурлари ётқизилганлигини эслатиб ўтади. Эксплуатациянинг нормал шароитини таъминлаш ва қурурларнинг бузилишига (уларнинг хар қандай ўтказилишидан қатъий назар) йўл қўймаслик учун «Магистрал қурурларни химоя қоида-синиға ва Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 69-моддасига асосан, муҳофаза зонаси ўрнатилган: — қурур трассаси бўйлаб хавфсизлик учун участкаси кўринишида, қурур ўқининг хар томонидан 50 метрча масофада шартли чиқиклар билан чегараланган бўлади; — қишлоқ хўжалигига тааллуқли ерлардан химоя майдони қурур ўқининг хар томонидан 25 метр масофада ўтадиган, шартли чиқиклар билан чегараланган; — газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун сифимлар атрофида, нефть, конденсат ва сиқилган углеводородларни авария ҳолатида чиқариш учун ер омиборида кўрсатилган объектлар майдони чегарасида хар томонга 50 метрдан туташган чизик билан чегараланган участка кўринишида; — кўптармоқли трасса бўйлаб, четки қурур ўқининг хар томонидан 50 метр масофада ўтган, шартли чиқиклар билан чегараланган ер участкаси кўринишида; — бошланғич ва оралиқдаги ўтказиш ва қуйиш насос станциялари атрофида, резервуар парклар, компрессор ва газ тарқатувчи станциялар, сарф қилинган газни ўлчаш мосламалари объектлари чегараларида хар томонга 100 метр масофада шартли чиқиклар билан чегараланган ер участкаси кўринишида. Қурурларнинг муҳофаза зонасида кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улар «Магистрал газ қурурларини муҳофаза қилиш» қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади. Қурурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги дала ишлари, экин ва йиғиш кампаняси бошланиши олдида, ушбу қурурларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга (МГКБ) олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борилади. Қурурларнинг муҳофаза зонасида қурурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи хар қандай турдаги ишлар ТАЪҚИҚЛАНАДИ, жумладан: МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР МАНЗИЛЛАРИ: «Ўзтрансгаз» АК, 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-«А» уй. «Урганчтрансгаз» ШҚ, 740000, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А.Герман кўчаси, 13-уй. Гази магистрал газ қурурлар бошқармаси (МГКБ), 706430, Бухоро вилояти, Гази шаҳри, А.Темур кўчаси, 1-уй. Муборак МГКБ, 731000, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри. Когон МГКБ, 706100, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Газичилар кўргони. Зирабулоқ МГКБ, 704100, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Октош шаҳри, Газичилар кўргони. Фаллаорол МГКБ, 704602, Жиззах вилояти, Фаллаорол шаҳри, Газичилар кўргони. Самарқанд МГКБ, 704433, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод шаҳри, Газичилар кўргони. Фарғона МГКБ, 712000, Фарғона вилояти, Киргули шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 11-уй. Тошкент МГКБ, 700160, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, С.Олим кўчаси, 22-уй. Хўжаобод ер остида газ сақлаш иншооти, 711155, Андижон вилояти, Хўжаобод кўргони. Шимоллий Сўх ер остида газ сақлаш иншооти, 713350, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Навбахор кўргони.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги Фукуокада ва Мунчхон элини Виталий Васильевич Филта воллан муҳтарамаси Татьяна Александровна ЦОЙнинг вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Олий математика кафедраси доценти Тамара Фармонова падари бузруквори АБДУРАҲМОН отанинг вафот этгани таъзия билан чўқур таъзия билдиради. «O'ZPETSOGASTROY» ОАЖ жамоаси жамият бошқаруви раиси Р.Р.Нормуродовга отаси РЎЗИ бобонинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради. Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Кўрпиклар ва транспорт тунеллари кафедраси ассистенти Акбарали Эрташевга падари бузруквори ТУҒУНБОЙ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради. «Олмалик тоғ металлургия комбинати» ОАЖ жамоаси комбинат бош директори Нейматжон Рузиевга падари бузруквори Рузи ота НОРМУРОДОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағармаси уюшмаси Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол рафинаси Воҳидя ҲАМИДОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Дам олиш саҳифаси

Кулги — ҳаётнинг гули, дейдилар. Бу бежиз эмас. Баъзан шундай бўладики, ҳазил-мутойба орқали адоват барҳам топади, гина-кудурат ўз-ўзидан чекинади. Азиз газетхон! Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур дам олиш саҳифасини мунтазам бериб боришни мўлжаллаганмиз. Энг асосийси, ушбу саҳифада қизиқувчан газетхонларимизнинг ҳажвий шеър ва ҳазилга мойил ҳикояларига ҳам кенг ўрин ажратилади. Демак, мутолага, ижодий ҳамкорликка марҳамат.

## ФАРДЛАР

**Димоғ чоғлик, тап сихатлик бўлса бас, Бу иккиси бахту иқбол ҳам ҳавас. Абулқосим ФИРДАВСИЙ**

**Кулагки ўз ҳақидан ўлди йироқ, Йиғламоқ андин эрур кўл ахшироқ. Алишер НАВОИЙ**

**Ҳазил ҳам тузмижоз — зарурдир мевёр, Мевёрин бузишгач панд еганлар бор.**

**Кулги ҳамроҳ бўлса, сенга эрта-кеч, Мухтожлик қолмағай шифокорга ҳеч.**

Мен тиббиётчи эмасман, қайси томир тананинг қайси қисмига хизмат қилишини аниқ айта олмаман. Аммо етмиш учинчи томир мабодо бўлса, уни "табассум томири" деб атаган бўлардим. Чунки бу томир кишининг бутун вужудига қону жон бағишлайди.



Табассумсевар, ҳаммаша хушчақчақ доно халқимиз бунга яхши билади. Лекин баъзан ўзларини мажбуран жиддий тутишга уриниладиган одамлар ҳам бўлади: Шундай бир танишим бир идора раҳбари, Тунов кўни ҳузурига кирган эдим, хонасида чақчақлашиб қолдик. Бир пайт эшик ахтиёрлик билан очилиб, кексароқ ёшдаги ходими бош суқди:

- Мумкинми?
- Кейинроқ кириш...
- Жуда зарур эди.
- Вақтим йўқ, дедим-ку! Эшикни ёпинг! — уни жеркиб ташлади танишим.

Шу пайт меннинг ҳам дилим сиёҳ бўлиб, бирдан кайфиятим бузилди. Танишим бунга сездим, шекилли, ўзини оқламоқчи бўлиб, менга юзланиб деди:

# Табассум қил, табассум...

— Ходимларнинг олдида ўзингни сал жиддийроқ тутмасанг бўлмайди. У билан хайрлашиб чиқдим. Кўнглим сал хижоли бўлди. Нахоти ходимлар билан очилиб-сочилиб гаплашса, алоқ-чапоқ ишлашса обрў тўкилиб қолади? Нахоти мансаб-вазифанинг қоидаси шундай бўлса? Шу тобда донолардан эшитганим бир ҳикоят ёдимга

тўшди. Эмишқи, машҳур ҳаким Абу Бакр Розий бир шаҳардан ўтиб кетаётди, жамоага ўзининг табиб эканини, агар шаҳарда беморлар бўлса, дарволашини айтибди. Фақат бунинг учун уларнинг турмуш тарзини билиши лозимлигини уқдирибди.

— Одамларимиз ўз уйлари кунгай томонга, қуёш нури тушиб турадиган жойга қури-

шади, — дейишди шу ерликлар. — Шаҳарда баравакт уйғонишади. Ҳар қандай тасо-дифий нохушиқларда ҳам тушқунликка тушишмайди. Бир-бири билан саломлашганда ҳам табассум қилишга одатланишган.

Шунда табиб: "Бундай яхши одатларга эга бўлган хушчақчақ халқ дард кўрмайди, уларга мана шунинг ўзи дори-дар-

мон" деган экан. Халқимиз ҳаммаша ҳазил-мутойбани жойига қўйиб келган. "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бор бўлсин" деган ҳикмат амал қилиб яшаган. Табассум — юртинг юзи дейилиши ҳам бежиз эмас. Элимизга узок мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам, энг аввало, одамларимизнинг чехрасига боқиб юртимизга баҳр беради. "Хун тўйда керак, муҳаббат кунда керак" деганларидек, табассум ҳам ҳар кун керак. Истаймизки, ҳар бир инсон вужудига кулгу томирлари маромида уриб турсин. Табассум ҳаммаша юртимизнинг юзи бўлиб қолсин.

**Тўлан ҚЎЗИБОВ.**

## Машҳурлар ҳаётдан ҳангомалар

### Йўли осон

Машҳур ҳажвчи Бернард Шоудан қандай қилиб ҳикматли сўзларни тўқиши хусусида сўрашибди.

— Жуда осон! — жавоб берибди ёзувчи. — Бирор-та бемаъни нарсани ўйламан-у, дарҳол тексарисини гапираман.

### Шуниси маъқул

Бир кун Иван Криловдан:

— Шунчалик ажойиб истеъдодингиз бору, нега жуда кам ёзасиз? — деб сўрабдилар.

Таникли масалчи:

— "Нега ёзасиз?" деганларидан кўра, "Нега кам ёзасиз?" деган сўзни эшитган яхши-да.

### Хаёлпарастлик

Айтишларича, француз физиги Ампер жуда хаёлпараст бўлган экан. Бир кун у бозорга кета туриб, уйининг эшигига "Жаноб Ампер уйда эмас, учрашмоқчи бўлсангиз, кечкурун келинг" деб ёзиб қўйибди. Ампернинг ўзи бирор соатлардан кейин бозордан келибди-да, эшикдаги ёзувни кўриб, изига қайтиб кетаверибди.


### Борига шукр

Афина шаҳрида ўтказилаётган бир зиёфатда созанда йигитнинг ижроси ҳеч кимга ёқмабди. Зиёфат қатнашчилари унинг маҳорати йўқлиги, оҳанглари ҳис этмаслиги ҳақида гапира бошлабдилар. Файласуф Диоген эса, атрофидагиларни хайратда қолдириб:

— Мен шу йигитга қўйилман, — дебди.

Ҳамма Диогенга қарабди.

— Қарангки, — дебди файласуф, — шунчалик ёмон санъаткор бўлишига қарамай, касбини ташламайди. Қойил. Агар у чолгусини қўйиб, ўғри бўлиб кетса нима қилардингиз?..



— Қани бир кулингчи, оппогим... Р. ГАЛИЕВ сурат-лаҳзаси.

### Энг қисқа хат

Француз ёзувчиси Виктор Гюго ўз кундалиқларини нашр этган ноширга хат йўллабди. Мақтубда факатгина сўроқ белгиси бўлиб, бу билан адиб: "Китобим қандай кутиб олинган, сотилиши яхшимми?" деб сўраган экан. Ношир ҳам бунга тушуниб, китобнинг яхши қабул қилинаётганини билдириб ёзувчига хат юборибди. Унинг хати ҳам факат бир тиниш белги — ундовдан иборат экан.

### Рақамларни алмаштиринг

Швейцариялик таникли расом Арнольд Бёклиннинг ёнига бир ёш расом келибди. Гап орасида:

— Биласизми, — дебди у Бёклинга, — ҳар бир асаримни икки-уч кунда тугаллайман. Аммо уларни сотиш икки-уч йилга чўзилди кетади.

Арнольд Бёклин ёш расомга шундай дебди:

— Менимча, сиз рақамларнинг ўрнини алмаштиришингиз керак. Ҳар бир асарни икки-уч йилда яратсангиз, уни икки-уч кунда сотишингиз мумкин.



### Ақсия

Эгаси семизу кўй-кўзи орқиб, Ким кимни парваршиш қилгани аниқ!

### Ақлими ё пул?

(Рустамжон Ҳамроқулов бисотидан)

Уқитувчи ўқувчидан сўради:

— Бахтиш, тур ўрингдан. Мана шу досканинг тагида бир қопда пул, бир қопда ақл бўлса, қайси бирини олардинг?

— Мен пулни олардим, — дебди Бахтиёр.

— Қалланг курсин, — аҳмоқ. Коп-коп пул олганлар нима бўлди? Ҳаммаси кетди аспаласофинга! Мен сенинг ўринида бўлсам, ақлни олардим, — деса, ўқувчи:

— Тўғри, домла. Кимга нима етишмаса, шуни олади-да.

### ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

■ **Мақсад — буюқ, ният — эзгу.**  
Йил якули журналист нигоҳида.

■ **Журнал саҳифасида ўтилган дарс.**  
Журналистиканинг ёзмаган қоидалари ҳақида Рамзиддин Абдулатиқов ва Абдуваҳоб Мухоммовнинг ёзмалари.

■ **Фан офтоби.**  
Илҳом Иброҳим Абу Райҳон Беруний ва уни олимлар қандай ақлагани ҳақида.

■ **Дилга яқин асарлар.**  
Китобишунос Сайёра Зокирхўжаева Абдулла Қаҳҳорнинг Миллий китоб палатаси хазинасида сақланаётган китоблари ҳақида айтганлари.

■ **Мамажон ака тузган «Шохрух».**  
Устоз шохмат ўйишича баёниланган 23 номда китоб ёзиб, 8 та китобни таржима қилган эди, ёздади журнал.

Юқорида тилга олинган мавзулар хусусида тўлиқ танишмоқчи бўлсангиз, «Ўзбекистон матбуоти» журнаlining 1-сонини ўқинг.

### «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

### «ЎЗЭЛЕКТРТАРМОҚ» УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ

### ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ

**танлов савдоси эълон қилади:**

1. Самарқанд вилояти «Зармитан тоғ конлари» объектларини электр таъминоти учун 110/35/6 кВ ним станция (Горнорудная) электр жиҳозларини харид қилиши.

Электр жиҳозлари — Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» ДАКнинг хусусий маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Бююртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Телефон: (8-3662) 33-06-60.

Танлов савдосини амалга ошириш вақти: 10/35/6 кВ ним станция (Горнорудная) электр жиҳозларини харид қилиш мuddати — контракт кучга кирган кундан бошлаб 3 ой мобайнида «Ўзбекистон темир йўллари» СЎР «Улугбек» станциясигача (темир йўл билан) етказиб берилиши керак.

**Талабдорга қўйиладиган асосий шартлар:**

- танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 физики миқдордаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;
- ишлаб чиқариш базалари, ишлаб (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги;
- танлов савдосида курсатилган жиҳозларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тажрибага, кўникмаларга;
- танлов савдосида курсатилган жиҳозларни ишлаб чиқариш бўйича лицензияга ёки ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномасига эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш миля) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соатига. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотида чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уйда, соат 10.00 да.

«Ўзэлектртармоқ» унитар корхонасининг жанубий-ғарбий магистрал электр тармоқлари биносида ўтказилади.

## ЭЪЛОН!

2007 йил 30 апрель соат 11.00 да

ВШ-715 «Бухоро — Самарқанд», Бухоро томондан	ВШ-788 «Тошкент — Гулистон», Гулистон томондан
ВШ-718 «Бекобод — Самарқанд», икки томондан	ВШ-805 «Усмат — Самарқанд», икки томондан
ВШ-719 «Самарқанд — Гулистон», икки томондан	ВШ-807 «Фалларол — Самарқанд», икки томондан
ВШ-723 «Наманган — Фарғона», икки томондан	ВШ-849 «Тошкент — Оқтош», Оқтош томондан
ВШ-724 «Наманган — Қўқон», икки томондан	ВШ-ЙТ-736 «Тошкент — Дўстлик», икки томондан
ВШ-725 «Андижон — Қўқон», Қўқон томондан	ВШ-ЙТ-745 «Тошкент — Пахтакор», икки томондан
ВШ-726 «Чуст — Қўқон», икки томондан	ВШ-ЙТ-762 «Тошкент — Навоий», икки томондан
ВШ-734 «Асака — Қува», икки томондан	ВШ-ЙТ-769 «Тошкент — Сирдарё», икки томондан
ВШ-774 «Қўқон — Чодак», икки томондан	ВШ-ЙТ-905 «Тўрткўл — Ҳазорасп», икки томондан
ВШ-787 «Урганч — Самарқанд», Урганч томондан	ВШ-ЙТ-956 «Тошкент — Урганч», икки томондан.

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.**

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташини амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишлари жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия**.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 2021000000745005012 махсус х/р (банк коди 00446, ИИН 202811527, ХТХТ 97300)га 25 миля сўм ўтказиб, 2007 йил 25 апрелгача бююртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** Тендер таклифларини 2007 йил 29 апрелгача соат 14.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили:**  
Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй,  
Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлиги мажлислар зали.

**Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.**

### Хурматли ишрат со фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари, бол саҳиблари, тадбирдорлар!

## «ОКСИГУМАТ»

Ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озикланишини, касалликларга қарши химояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янги, юқори самарали, бетаборк хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фал препарат сифатида қиллоқ ҳўжалигидега уруғларнинг унумдорлигини ошириб, қўчталарнинг илдиз отиши ва яхши тўтиб кетишини таъминлайди.

- ⇒ ҳосилдорликни оширади,
- ⇒ махсуслашнинг сифатини яхшилайди,
- ⇒ туپроқ таркибидегаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- ⇒ мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- ⇒ касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- ⇒ минерал озикланишини мақбуллаштиради,
- ⇒ туپроқнинг аллелопатик зуриқшини камайтиради.

Бодринг	— 30-40%
Бугдой	— 35-40%
Гуллар	— 13-25%
Дуққакли экинлар	— 60-80%
Картошка	— 40-50%
Кунгабоқар	— 50-70%
Лавлағи	— 35-40%
Маккажўхори	— 40-60%
Паста	— 50-70%
Пилёз	— 30-40%
Поліз экинлари	— 50-60%
Помидор	— 25-30%
Сули	— 20-40%
Шоли	— 70-90%

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлаш учун рухсат этилган. ГУВОХНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси  
Манзил: Тошкент ш. Ф.Мавлонов к., 52/2 уй.  
Тел.: 135-87-05, 449-30-84,  
135-53-15 (кечурун), 330-13-44.

## Халқ сўзи

### Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююртма Г — 256. 42233 нуسخала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терланд ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммаддин Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Г-Тизкорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оршов,  
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаримов,  
Навбатчи — А. Самадов,  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. 3-А яқуни — 22.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5